

*Туркий халқлар исодиёти*

---

# ДАДА ҚЎРҚУТ ҲИКОЯЛАРИ

Таржимон:  
ЎзМУ талабаси Очилова Зилола



Тошкент – 2010

Дада Қўрқут ҳикоялари/ Туркий халқлар ижодидан.  
Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Зилола Очилова. – Т.:  
«YURIST-MEDIA MARKAZI» нашриёти, 2010 йил, 40 бст.

*Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир:*  
**филология фанлари номзоди**  
**Абдумурод ТИЛАВОВ**

*Тақризчи:*  
**филология фанлари номзоди, доцент**  
**Тоҷихон СОБИТОВА**

Ушбу китобда Алишер Навоий «Қўрқут Ота» дея таъриф-  
лаган комил, донишманд зот номи билан боғлиқ қадимий ибратли  
ҳикоялар жамланган.

«Дада Қўрқут китоби» эпосига кирган ҳикоялар қизиқарли  
сюжети, ранг-баранг лавҳалари билан нафақат ёш ўқувчини,  
балки барча ёшдаги китобхонларни ҳам ўзига жалб этади.

ISBN 978-9943-337-61-9

© «Yurist-media markazi»  
нашриёти, 2010 йил  
© Зилола Очилова

## ДАДА ҚЎРКУТ ҲАҚИДА МУХТАСАР СЎЗ

Халқнинг фаровонлиги учун саъй-ҳаракат қилган, илми, ақли, тажрибасидан ўзгаларни манфаатлантирган инсонларни халқ ҳамиша эъзозлайди, номини тилларда дoston қилиб куйлайди.

Дада Қўрқут ана шундай шахслардан биридир. Баъзан Қўрқут Ота деб ҳам тилга олинган бу шахс, айрим маълумотларга қараганда, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом замонларида Сирдарё атрофида яшаган Ўғузларнинг Баёт ёхуд Қайи бўйига мансуб Қора Хўжа исмли ўта ақли, доно, олим ва каромат соҳиби бўлган бир зотнинг ўғлидир. Дада Қўрқут билан боғлиқ манқибаларда у ўғузларнинг ғам-ташвиши билан ҳаёт кечиргани, адашганларга, кийин аҳволга тушганларга ёрдам берганлиги айтилади.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида бу зот ҳақида ёзадилар: «Турк улуси аросида шуҳрати андоқ ортуғроқдурки, шуҳратқа эҳтиёжи бўлмай. Машхур мундоқдурки, неча йил ўзидин бурунқини, неча йил ўзидин сўнгги келурни дебдурлар. Кўп мавъизаомуз магизлик сўзлари арода бор» (*Тошкент, «Фан», 2001, 421-бет*).

«Дада Қўрқут китоби»да ўн икки ҳикоя бўлиб, бу ҳикояларда ҳаётий воқеа-ҳодисалар билан бирга мифик элементлар, лавҳалар ҳам мавжуд.

Бу дostonдаги айрим қахрамонлар, лавҳаларнинг ўзбек қахрамонлик эпоси «Алпомиш» дostonи билан ҳамоҳанглиги, ўхшашлиги характерлидир. «Бамси Бай-

рак», «Бўғоч хон» ҳикояларини ўқиганингизда бунга амин бўласиз.

«Дада Кўркут китоби»нинг илк ёзма намунаси Дрезден Қироллик кутубхонасида сақланаётган нусхадир. Ушбу нусха дастлаб 1916 йилда тадқиқотчи Рифет Билге, 1938 йилда эса Ўрхон Шаик Гўкёй томонидан нашр эгилди. Иккинчи нусха 1950 йилда Ватикан кутубхонасида топилган ва фақат 6 ҳикоядан иборат тўлик бўлмаган нусхадир. Ушбу нусха 1952 йилда Этторе Роси томонидан эълон қилинди.

«Дада Кўркут китоби»нинг энг сўнгги мукаммал наشري Доктор Муҳаррам Эргин томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистон Миллий университети талабаџи Зилола Очилова томонидан таржима қилиниб, ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу китобча эса «Дада Кўркут китоби»даги ҳикояларнинг содалаштирилган, болаларга мўлжалланган наширидир.

Бу ҳикоялар ёш авлодни жасурликка, зукколикка, эзгу мақсад йўлида дадил қадам ташлашга, ёрга, юртга муҳаббатли бўлишга чорлайди.

**Абдумурод Тилавов,  
филология фахлари номзоди**

## БЎҒОЧ ХОН

Бойиндирхон катта бир зиёфат уюштирди. Бир ерга оқ чодир, бир ерга қизил чодир, бир ерга эса қора чодир курдирди. «Ўғил-қизи йўқларни қора чодирга туширинг. Уларга қора қўйнинг гўштидан едиринг. Емаганлари туриб кетишсин!» деди.

Дерсахон исмли бекнинг фарзанди йўқ эди. Бойиндирхоннинг ёнига борди.

Дерсахонни кутиб олиб, қора чодирга туширишди. Қора қўйнинг гўштидан олиб келишди. «Бойиндирхоннинг фармони шундай эди», дейишди. Буни эшитган Дерсахон ўтирган сридан туриб: «Бу менинг шаънимга нисбатан ҳақорат», деди. Уйига келди.

Хотинини ёнига чақирди:

– Бошимнинг бахти, уйимнинг тахти, гўзал хотиним! Биласанми, бугун бошимга нима тушди? Бойиндирхон, бир ерга оқ чодир, бир ерга қизил чодир, бир ерга қора чодир курдирибди. Ўғил-қизинг йўқ деб мени қора чодирга ўтирғиздилар. Қора қўйнинг гўштидан едирдилар. Айт-чи хотин, айб мендами ё сендами? Аллоҳ бизга дўмбоққина бир ўғил бермаяпти, нимага?

Дерсахоннинг хотини жавоб берди:

– Дерсахон, тур. Барча бекларни тўпла. Бир зиёфат бер. Оч қолганларни тўйдир. Яланғочларни кийдир. Қарздорларни қарзидан қутқар. Келганлардан дуо ол. Ажаб эмас, дуоСИ ўткир яхши бир

одамнинг дуоси билан Аллоҳ бизга дўмбоққина бир фарзанд берса.

Дерсахон хотинининг айтганларини бажарди. Очларни тўйдирди. Яланғочларни кийдирди. Қарздорларга ёрдам берди. Дуо қилишди. Яратган уларга суксурдек бир ўғил берди. Ўғлон улғайди. Ўн беш ёшга тўлди.

Дерсахоннинг бир буқаси ва бир эркак туяси бор эди. Йилда икки марта буқа ва туяни уриштиришар эдилар. Ёз куни букани жанг майдонига чиқардилар. Дерсахоннинг ўғли уч ўртоғи билан майдонда ўйнашарди. Буқани қўйиб юбордилар. Уч бола қочди. Дерсахоннинг ўғли қоча олмади.

Буқа тўғри болага қараб югурди. Бола мушти билан буқани урди. Кейин эса йўлдан қочди. Буқа ерга йиқилди. Бола пичоғи билан буқанинг бошини олди.

Ўғиз беклари тўпландилар. Болани табрикладилар. Дада Кўркўт келиб:

– Бу бола бир буқани ўлдирди. Исми Бўғоч бўлсин. Исмини мен бердим, ёши билан берган бўлсин, – деди.

Дерсахоннинг ўғлига бекликни бердилар. Бўғочхон тахтга чиққач, отасининг йигитларини эсламайдиган, уларни назарига илмайдиган бўлди. Шунинг учун йигитлар Бўғочхонга адоват билан қарай бошладилар. Дерсахонга ўғлини ёмонладилар. Уни ўлдириш кераклигини айтдилар.

Бир куни Дерсахон ўғли ва йигитларини олиб овга чиқди. Бўғочхон: «Отам от чоптиришимни кўриб қувонсин, ўқ отишимга қараб мақтансин», деб ўйларди.

Қирқ одам Дерсахоннинг ёнига келдилар.

«Ўғлингни кўраяпсанми? Кийик овляпти, сенинг олдинга олиб келаяпти. Кийикка ўқ отиш баҳонасида, сени ўлдиради. Ўғлинг сени ўлдиришдан олдин, сен ўғлингни ўлдир», дедилар.

Дерсахон асабийлашди. Мустаҳкам ёйини олди ва ўғлига отди. Дерсахон ўғлининг жасадини кучоқлаб йиғламоқчи бўлди. Аммо қирқ ёмон одам бунга рухсат бермади. Орқага қайтдилар.

Дерсахоннинг хотини ўғлининг илк ови муносабати билан зиёфат ҳозирлаган эди. Дерсахонни кутиб олишга чиқди.

Аммо она ўғлини кўрмади. Кўзлари ёшга тўлди. Қирқ ёвуз одам Дерсахоннинг ёнига ўтдилар:

«Ўғлинг овда, эртага кслади», дедилар маликага.

Дерсахоннинг хотини ишонмади. Қирқ гўзал қизларни ёнига олди. Ўғлини излашга кетди. Кўрдик, ўғли қонга беланиб ётибди. Қирқ қизларнинг барчаси тоғ гулларини тўплашди. Онаси тоғ гулини сути билан аралаштириб малҳам тайёрлади ва ўғлининг ярасига сурди. Ўғлини отга миндирди. Юртига қайтишди. Бўғочхон тузалиб кетди. Фақат бундан отаси беҳабар эди. Қирқ ёвуз одам Бўғочнинг маконини билиб олишди.

«Дерсахон бу аҳволни билса бизни ўлдиради. Келинг, Дерсахонни душманга топширамиз», дедилар. Дерсахонни боғладилар. Йўлга отландилар. Дерсахоннинг хотини буни эшитиб Бўғочнинг ёнига келди:

– Эй ўғлим! У қирқ одам, отангни душманга олиб кетишди. Отангни ёвуз одамларнинг кўлидан қутқар. Отанг сенга ачинмади, аммо сен отангга раҳм қил, – деди.

Бўғочхон қирқ баҳодирини олиб, отасининг орқасидан йўлга чиқди. Одамлар ўтириб май ичишарди. Бўғочхон йигитлари билан ҳужум қилди. Отасини қутқарди. Дерсахон ўғли соғ-омон эканини кўриб хайратда қолди. Бойиндирхон Дерсахонга бекликни берди.

Дада Кўркўт келди. Достон айтди:

*Улар ҳам бу дунёга келди-кетди.*

*Ер беркитди.*

*Фоний дунё кимга қолди!*

*Келимли-кетимли дунё!..*



## ТЕПА КЎЗ

Тинч яшаётган ўғуз халкига бири кун душман хужум қилди. Иложсиз қолган халқ душмандан қоча бошлади. Йўлда Арўз Хўжанинг кичик ўғли беҳосдан отдан тушиб қолди. Бу кичкина чакалоқни бир арслон топиб олиб катта қилди.

Орадан кўп вақт ўтди. Ўғуз халқи юртига қайтди. Ўғузхоннинг отбоқари қамишзорда арслонни кўрди. Арслон юриши инсон юришидек эди. У отларни овлар эди.

Отбоқар келиб, дарҳол Ўғуз бекларини бундан хабардор қилди. Арўз Хўжа: «Бу менинг отдан тушиб қолган ўғлим бўлиши мумкин», деди.

Беклар отга миниб арслонни қувдилар. Болани ушлаб олдилар. Арўз ўғлини уйига олиб келди. Унга Басат деб исм қўйди. Басат улғайди, паҳлавон, жасур бир йигитга айланди.

Арўзнинг бир чўпони бор эди. Бир кун чўпдан булоқ бошида пари қизларни кўрди. Улардан бирини тутиб олди. Шунда пари: «Эй чўпон, менда омонатинг бор. Бир йилдан кейин келиб ол», деди. Бир йилдан кейин чўпон яна булоқнинг ёнига келди. Ерда ялтироқ бир нарсани кўрди.

Пари қиз: «Чўпон, мана омонатинг. Уни ол», деди. Чўпон бу нарсани кўриб жуда кўркиб кетди. Таёғи билан урди.

Чўпон урганда жисм катталанди. Чўпон уни ташлаб қочди.

Шу вақтда Бойиндирхон беклари билан сайрга чиқишган эди. Ғалати бир нарса ерда ётганини кўрдилар. Оёқлари билан тепдилар. Тепганларида у яна катталашди. Кейин иккига бўлинди. Ичидан бир одам чиқди. Гавдаси инсонникига ўхшаган, тепасида эса бир кўзи бор эди.

Арўз бу йигитни уйига олиб келди. Исмини Тепакўз деб қўйди. Тепакўзга бир энага ёллади. Тепакўз энаганинг кўкрагини бир эмишда ҳамма сутини сўриб олди. Иккинчи эмишда қонини олди. Учинчида эса жонини олди. Бир қанча энагани олиб келдилар. Ҳаммасини ўлдирди.

Тепакўз кағта бўлди. Биргаликда ўйнаган болалардан кимнингдир қулоғини, кимнингдир бурнини узиб ола бошлади. Арўз Тепакўзни уйдан ҳайдаб юборди.

Тепакўз бир тоққа чиқди. Ваҳший мажлукқа айланди. Уни ушлаш учун аскар юборди. Аскарлар ўқ отишди, аммо тегмади. Қилич санчишди, аммо кесмади. Тепакўз барча Ўғуз йигитларини тутиб олиб еди. Ўғуз халқи Тепакўз билан келишмоқчи бўлишди. Дада Қўркут келди. Уни Тепакўз ёнига элчи бўлиб боришга кўндирдилар.

Тепакўз ҳар куни иккита одам билан беш юзта қўй беришлари кераклигини айтди. Бундан ташқари унга овқат тайёрлаш учун икки киши сўради.

Тўрт ўғли борлар бирини кўндирдилар, уч ўғли қолди. Уч ўғли борлар бирини берди, иккита ўғли қолди. Халқ чорасиз эди.

Бу орада Арўзнинг ўғли Басат жангга кетган эди. Жангда зафар қозониб орқага қайтди. Укасини Тепакўз ўлдирганини билиб олди. Мана шу масала тўғрисида Ўғуз бекларини тўплади. Уларга Тепакўзни ўлдириш учун кетаётганини айтди. Одамлар билан хайрлашиб, йўлга чиқди.

Тепакўз яшайдиган жойга келди. Бирданига ўқ чиқариб отди. Аммо отган ўқи Тепакўзга санчилмади. Шу орада Тепакўз уйғонди. Басатни ушлаб олди ва этигининг ичига солиб қўйди; сўнг уйкуга кетди.

Басат ханжари билан этикни кесди, унинг ичидан чиқди. Тезда бир сих олди. Уни ўчоқда киздирди. Тепакўзнинг кўзига санчди. Тепакўз жон аччиғида сакраб турди. Шундай бақирдики, тоғу тошлар ларзага келди. Басат қочиб қўйлар орасига яширинди.

Тепакўз Басатнинг ёрда яширинганини билди. Ўрнинг эшигини очди. Қўйларни ташқарига чиқара бошлади. Басат бир қўй терисининг ичига кирди. Тепакўз уни қўлига олди. Басат эканини сезиб бўйнидан бўға бошлади. Фақат Басат терининг ичидан тойиб чиқиб кетди.

Шундай қилиб Басат бу дафъа ҳам кутулиб қолди. Басат Тепакўзни тиз чўқтирди. Қиличи билан Тепакўзнинг бошини танасидан жудо қилди. Шундай қилиб, Ўғуз халқини бу дарддан халос этди. Дада Кўркут келди. Басат учун дуо қилди:

«Қора тоққа бақирганинда жавоб қилсин!  
Қонли-қонли сувлардан ўтиш йўлини берсин.  
Қодир Оллоҳ юзингни ёруғ қилсин».

## ЭМРЕН

Бойиндирхон барча Ўғуз бекларини тўплади. Гуржистондан солиқ келган эди: бир от, бир қилич ва бир темир тўқмоқли таёқ. Бойиндирхон буларни Бегил исмли бир йигитга берди. Бегил оиласи билан Гуржистон чегарасига келди. Бу ерда соқчилик қилиб турди ва душман билан урушди.

Бир кун Бойиндирхон Бегилни чақирди. Барча Ўғуз беклари тўпланиб овга бормоқчи бўлишди. Солур Қозон Бегилнинг ов қилишга жуда уста эканини мақтаб гапирди. Буни эшитган Бойиндирхон:

«Бу ҳунар Бегилники эмас, отиникидир», деди.

Бу гап Бегилга хуш ёқмади. У ерни тарк этди ва уйига келди. Бегил уларга билдирмабди. Гўзал хотини билан ҳам гаплашмади.

Бундан ажабланган хотини:

«Бегим, овга чиқинг, кўнглингиз очилади», деди.

Бегилга хотинининг гапи маъқул бўлди. Отга миниб овга кетди.

Овда рўпарасидан бир кийик чиқди. Бегил кийикнинг ортидан қувди. Кийик ўзидан баланд бўлган бир ердан пастга сакради. Бегил отни тўхтатмади, кийик билан биргаликда учди. Оёғи бир қояга тегиб синди.

Бутун кучини сарфлаб отга миниб уйига келди. Ўғли Эмрен отасига пешвоз чиқди. Ётоғига олиб кириб ётқизди.

Бегил оёғи синганини ҳеч кимга айтмади. Фақат ётоғида каттиқ инграрди.

Хотини сўради:

«Бу нима аҳвол? Инсон хотинига ҳам сирини айтмайдими?»

«Отдан тушаман деб оёғим синди», деди Бегил.

Хотин бу сирни хизматчига айтди. Хизматчи соқчига айтди. Бу гап бутун Ўғуз халқига ёйилди.

Душманнинг жосуси айланиб юарди. Бу хабарни эшитиб кетди ва душман бегига бориб айтди.

Душман беги фармон берди:

– Туринг, Бегилни ётган жойида қўлга олинг. Бошини танасидан жудо қилинг. Уйини талон-торож қилиб қизини, келинини асир олинг!

Бегил ўғлини чақирди.

– Ўғлим, тезда отга миниб, ола тоғдан ош. Бойиндирхонга бориб: «Отам қийинчиликда қолди», дегил. Менга дарҳол ёрдам юборсин.

Бегилнинг ўғли Эмрен, бу гапларни эшитиб жаҳли чиқди:

– Ота, бу нима деганингиз? Қўнғир отни, темир зирҳни, найзангизни, камон билан ўқини менга беринг. Уч юзта йигитингиздан ёнимга олай. Сиз учун жанг қилайин, – деди.

Эмрени кийдирдилар. Ота-онасининг ёнига келди ва қўлидан ўпди.

Уч юз йигитни ёнига олди. Йўлга отландилар. Душман келди. Қарасалар от Бегилнинг оти, аммо устида Бегил эмас.

Душман беги гурзи билан қалқонини кўлига олди. Эмрени бир урди. Аммо Эмрени ерга йикита олмади. Душманнинг кучи жуда кўп эди. Эмрен чарчаб қолди.

Аллоҳ таолога дуо килди:

– Эй Аллоҳим, фақат Сенга сиғиндим! Менга йўл кўрсат! Ёрдам бер.

Душман беги айтди:

– Ҳой бола! Енгилсанг ҳам Аллоҳдан ёрдам сўраясанми? Сенинг бир Аллоҳнинг бўлса, менинг етмиш иккита бут санамим бор, – деди.

Буюк Аллоҳ Жаброил фариштага буюрди:

– Эй Жаброил, шу қулимга қирқ аскар кучини бердим. Бориб, унга ёрдам бер!

Эмрен душман бегини кўтариб ерга урди. Шунда душман беги:

– Йигит! Омонлик тилайман. Сизнинг динингизни қабул қиламан, – деди. Шундай қилиб, мусулмон бўлди.

Орқада қолган душман аскарлари жанг майдонини ташлаб қочди.

Эмрен отасига душманни енгганлиги тўғрисида хабар юборди.

Юртига қайтар экан, оқ соқолли отаси Эмрени қарши олди. Уни Бойиндирхоннинг хузурига олиб борди.

Бойиндирхон Эмренга зар тўн кийдирди.;

Дада Кўркўт келди.

Гўзал наволар чалди.

Дуо қилди:

– Юртинг йўқолмасин, эй ўғил! Сояли дарах-  
тинг кесилмасин, эй ўғил! Оқ соқолли отангнинг  
жойи жаннат бўлсин! Оқ сочли онангнинг жойи  
жаннат бўлсин! Парвардигор гуноҳларимизни  
кечирсин. Омин!

## СЕГРЕК

Бойиндирхон замонида Ушун хўжа исмли бир киши бор эди. Тўнғич ўглининг исми Эргек эди. Жасур йигит эди. Истаган вақтида Бойиндирхоннинг суҳбатларида қатнашар, бу ҳолат бошқа бекларга ёқмасди. Кунлардан бир кун ораларидан бир киши сўради:

– Ҳой йигит, бу ерда ўтирган бекларнинг барчаси қаҳрамонликлар кўрсатишган. Сен душман билан жанг қилдингми? Оч қолганларни тўйдирдингми? Фақирларни кийдирдингми?

Бу сўзлардан таъсирланган Эргек хондан изн сўраб аскар йиғди. Беш кун зиёфат берди. Оч ва камбағалларни тўйдирди, кийдирди. Шундан сўнг жангга чиқди. Жангда ғалаба қозониб, юртига қайтишда душман ҳужумига учради.

Душман Эргекнинг аскарларини ўлдирди, ўзини эса асирга олиб, Алинжа қалъасига қамаб қўйди.

Бу шум хабар қуруқликлардан, тоғлардан ошиб ўтди. Тошқин сувлардан ўтди ва ниҳоят, Ўғуз элига бориб етди. Ушун хўжа билан хотини «болам», дея дод-фарёд чекди.

Ушун хўжанинг кенжа ўғли Сегрек жасур йигит эди.

Акасини душманлар асир олишганини эшитиб, тинчини йўқотди.

– Акам бўлмаса, мен бу ерларда яшай олмайман, – дея отига миниб, акасини асир олган ерга



келди. Кечани кундузга улаб, уч кечаю уч кундуз йўл юрган эди. Чарчаганидан уйқуси келди. Отининг жilовини оёғига боғлаб ухлади:

Душманнинг айғоқчиси бор эди. Сегрекни кўриб, тезда кўмондонга хабар берди:

– Ўғуз элидан бир йигит келди. От, чўпонларни ўлдирди, – деди.

Кўмондоннинг амри билан қуролланган олтмиш киши Сегрекни ўраб олди. Фақат Сегреkning оти буни сезди ва оёқларини ўйнатиб эгасини уйғотди. Сегрек тезда уйғониб, саловат айтди.

Душманларга қарши жанг қилди. Уларнинг устидан ғалаба қозонди. Яна уйқуси келди. Отининг жilовини билагига боғлаб ухлади. Бу сафар уни кўлга олиш учун юзта аскар келди. Сегрек улар билан ҳам жанг қилиб, ҳаммасини енгди.

Душман бегининг ақлига бошқа фикр келди:

– Боринг, асир олган йигитни келтиринг, – деди.

Эргекни зиндондан чиқариб олиб келишди.

– Ҳой йигит, шу ерда бир телба йўловчи бор. Ўтган-кетганини ўлдираяпти. Агар уни ушлаб ўлдирсанг, сени озод қиламиз, – деди.

Эргекнинг соч-соқолларини олишди. От, қилич, ёнига уч юз аскар бериб, Сегрек жойлашган ерга юборишди.

Эргек Сегреkning ёнига келди. Гўзал бир йигит ухлаб ётибди! Сегреkning белидаги кўбизни

олди ва чала бошлади. Сегрек қўбизнинг овозидан уйғониб кетди. Тезда қиличини қўлига олди.

– Ҳой кофир, агар қўлингда қўбизнинг бўлмаганда эди, акамнинг боши учун сени ўлдирар эдим, – деди.

Эргек қаршисидаги ёш йигит укаси эканлигини англади.

Яна қўбизини чалиб қўйлай бошлади.

– Ўзингга қурбон бўлай, укажоним. Кетганимда бешиқда ётган укаммисан? Аскар бўлдингми, йигит бўлиб улғайдингми? Акангни ғурбатдан қутқариш учун сен келдингми?

Икки ака-ука кучоқлашишди. Қаршиларида душман аскарлари туришарди. Улар кураш тушяптилар, дея тахмин қилишар эди.

– Худо хоҳласа, бизники енгади, – дея бир-бирлари билан суҳбатлашишарди.

Шу вақт иккаласининг кучоқлашганларини кўрдилар. Ака-укалар отларига миниб, душманга қарши курашдилар. Душманни енгдилар, ксча-кундуз йўл юриб, Ўғуз юртига қайтдилар.

Гумбур-гумбир довуллар чалинди. Катта-катта чодирлар қурилди. Ўғуз беклари тўпланишди. Дада Қўркўт келди. Қўбиз чалиб дуо қилди.

## ТЕЛБА ДУМРУЛ

Ўғуз элида Телба Думрул деган бир йигит яшар эди. Кунлардан бир кун куриб қолган дарёнинг устига кўприк қурди. Агар кимда-ким бу кўприкдан юрса, ўттизтадан олтин танга, ўтмаган кишилардан эса қирқтадан олтин танга оларди.

Нега бундай қилар эди?

– Кимда-ким мендан кўра телба, мендан кўра кучли бўлса, бу ерга чиқсин ва мен билан курашсин, – дерди.

Бир кун Телба Думрулнинг жаҳли чиқди.

– Бу қандай азроилки, одамнинг жонини олади. Эй Аллоҳим, Азроилни менга кўрсат, у билан ҳам курашайин. Гўзал йигитнинг жонини сақлаб қолайин, – деди.

Уйга қайтиб келди. Аллоҳ таолога бу сўзлар ёкмади. Азроилга буюрди.

– Эй Азроил, бориб телба қулимнинг кўзига кўрин. Жонини ол, – деди.

Телба Думрул ўтирганида Азроил кириб келди. Телба Думрул уни кўриб, кўрқувдан дир-дир титради.

Азроил гапира бошлади:

– Ҳой, телба! Мақтанган эдинг. Қизил қанотли азроил қўлимга тушса, ўлдирсам, деб айтардинг. Гўзал йигитнинг жонини унинг қўлидан қутқарсам дердинг. Ҳозир шу ерга келдим. Сенинг жонингни оламан, жонингни берасанми? Йўқса, мен билан курашасанми?

Телба Думрул кўркувдан тиз чўкди.

– Кечир Азроил, кечир! Мен сени билмас эдим. Нима гапирганимни билмай қолибман. Ёшлигимга тўймадим, яшаш жонимга тегмади. Жонимни олма, Азроил! – дея ёлвора бошлади.

– Нега мендан сўраяпсан. Аллоҳдан сўра. Мен ҳам буйруқни бажарадиган кулман, – деб Азроил рози бўлмади.

Телба Думрул кўлларини очиб, Аллоҳга ёлвора бошлади.

– Буюкларнинг буюгисан, Ўзинг ҳамма нарсага Қодирсан! Сен ишонганларнинг кўнглидасан. Аллоҳим жонимни оладиган бўлсанг, Ўзинг ол! Азроилнинг олишига йўл қўйма.

Телба Думрулнинг сўзлари Аллоҳ таолога хуш ёқди. Азроилга буйруқ берди.

– Телба йигит менга иймон келтирди. Эй, Азроил! Телба Думрулнинг жони ўрнига бошқа жон берсин. Унинг жонини садақа қилдим, – деди.

Азроил Телба Думрулнинг ёнига борди.

– Ҳой, Телба! Аллоҳнинг амри, Телба Думрул жонининг ўрнига бошқа жон берсин, унинг жонини садақа қилдим.

Телба Думрул:

– Кимнинг жонини сўрасам? Ёлғиз отам билан онам бор, ҳамма умид улардан. Балки улардан бири жон берар, – деб ўйлади.

Телба Думрул отини чоғтириб отасининг ёнига кетди.

– Отажоним, нима бўлганини билсангиз эди? Мен бир куфур гап айтиб қўйдим. Азроил жонимни олгани келди. Отажон, менинг жонимнинг ўрнига жонингизни берасизми? Йўқса, болам дея орқамдан йиғлайсизми? – деб сўради. Отаси рад жавобини берди.

– Ўғлим, ўғлим, жоним ўғлим! Мол-мулкимнинг барчаси сеники бўлсин! Дунё тотли, жон қийматли. Жонимни сўрамагин, эй ўғлим. Онанг мендан кўра севиклидир.

Телба Думрул онасининг ёнига борди.

– Онажоним, нима бўлганини билсангиз эди? Азроил жонимни олгани келди. Жонингизни мен учун берасизми? – дея сўради.

Онаси:

– Ўғлим, дунё ширин, жон қийматли. Жонимни бермайман, – деди.

Шундай дейиши билан Азроил Телба Думрулнинг жонини олишга келди. Телба Думрул Азроилдан охирги имкониятни беришини сўради.

– Икки жажжи фарзандим бор. Рухсат берсанг, фарзандларим аёлимга омонат эканини айтсам. Кейин жонимни ол, -- деди.

Дада Кўркут келди. Бу дostonни айтиб берди.

– Бу дoston Телба Думрулники бўлсин. Мендан кейин бахшилик қилсин. Уни қалби очик, сахий инсонлар тингласин, – деб дуо қилди. – Қодир Эгам сени номардга муҳтож қилмасин. Пок қалб билан дуо қилдик, ўз даргоҳида қабул этсин!

## ЙИГЕНЕК

Ўғуз бекларининг ичида Қози Хўжа исмли бир бек бор эди. У Бойиндирхоннинг вазири эди. Кунлардан бир кун жанг қилиш учун Бойиндирхондан рухсат сўради. Бойиндирхон рухсат берди.

Қози Хўжа жуда илмли киши эди. Ҳамроҳлари билан биргаликда тоғлардан, сойлар ва тепаликлардан ўтишди. Дузмурд қалъасига стиб келишди.

Қалъанинг бир беги бор эди. Бекнинг бўйи икки метр келадиган жуда оғир гурзиси бор эди. Уни ўлдириш учун жуда бақувват ёй керак бўларди.

Қози Хўжа қалъага етар-етмас жанг қилишни бошлаб юборди. Шундан кейин душман беги қалъадан ташқарига чиқиб майдонга келди.

Аскарларни яккама-якка жангга чақирди. Қози Хўжа уни кўрар-кўрмас майдонга чикди. Душман беги гурзиси билан Қози Хўжани уриб йикитди. Кейин уни зиндонга ташладилар.

Қози Хўжа қалъада ўн олти йил асирликда яшади. Ўғуз элининг жасур йигити Эмрен қалъага олти марта юриш қилди. Аммо қалъани ололмади.

Қози Хўжа асирга тушганида кичик ўғли бор эди. У мард ва жасур бўлиб вояга етди. Ёши ўн еттига тўлди.

Онаси отасини ўлган деб ўйлар, асирга тушганини унга ҳеч ким айтмаган эди. Йигитнинг исмини Йигенек дейишар эди.

Кунлардан бир куни Йигенек бир ўроғи билан келишолмай қолди. Ўртоғи:

– Бу ерда беҳуда гаплар билан вақтингни ўтказиб нима қиляпсан? Модомики, уришгинг келаётган экан, бориб асирликдан отангни кутқар, – деди.

Йигенек бу хабарни эшитиб довдираб қолди. Бориб Бойиндирхондан рухсат сўради. Ўғуз беклари тўпланишди. Йўлга чиқдилар. Дузмур қалъасига етиб келиб, уни ўраб олдилар.

Душман беги майдонга чиқди. Аскарларни яккама-якка жангга чақирди. Телба Дундар унга отилди. Шунда душман гурзиси билан бир уриб, Дундарни ерга йиқитди.

Сўнг бир қанча Ўғуз беглари чиқишди. Душман барчасини гурзиси билан ерга ағдарди. Буни кўрган Йигенек Аллоҳга сиғинди. Отини чоптириб, душман бегининг елкасига қамчи билан урди. Душманнинг кўзи кўкарди. Тезда бурилиб қалъага қочди. Йигенек эса ортидан қувиб етиб олди. Қалъа эшигининг олдига келганда елкасига қамчи билан урди. Кейин ўз аскарларининг олдига келди.

Душман беги ўлгандан кейин қалъадагилар Қози Хўжани озод қилдилар. Қози Хўжа чиқиб аскарлар ёнига келди.

Аскарларга юзланиб деди:

– Урғочи ҳомиладор туяларни ташлаб келдим. Эркакмиди, урғочимиди уни билсам эди? Ҳомиладор қўйни ҳам ташлаб келдим. Эркакмиди, урғочими уни билсам эди? Мовий кўзли ҳомиладор

аёлимни ташлаб келдим. Ўғил ёки кизлигини билсам эди? Ҳой йигитлар, менга хабар беринг! – деди.

Йигенек: «Ҳомиладор туяларингизнинг боласи бўталоқ бўлди, ҳомиладор кўйингизнинг боласи кўчқор бўлди. Мовий кўзли аёлингизнинг фарзанди арслондек йигит бўлди», деди.

Йигенек бу гапларни айтгандан кейин отасининг қўлини ўпди. Кейин барча беклар билан қалъага қараб кетишди. Қалъани фатҳ этдилар.

Отаси билан Йигенек кучоқлашдилар. Аллоҳга шукроналар айтишди. Кейин Ўғуз элига қайтишди.

Дада Қўрқут келди, дoston айтди. Бу дoston Йигенекники бўлсин деди.

Барча Ўғуз беклари дуо қилишди:

*Ердаги тоғлари йиқилмасин,  
Баланд дарахтлари йиқилмасин,  
Оқ соқоли отасининг эсойи  
жааннатда бўлсин.  
Эгам иймондан айирмасин.*



## КАН ТУРАЛИ

Ўғузлар ҳукмронлиги даврида Кан Турали исмли кучли бир йигит бўлган экан. Кунлардан бир кун отаси Қонли Хўжа ўғлини ёнига чақирди.

– Ўғлим, сени уйлантириб, оталик бурчимни бажармоқчиман, – деди.

Кан Турали:

– Ота, мени уйлантирмоқчи бўлсангиз, майли уйлантиринг, фақат менга муносиб қизни қаердан топасиз? Мен ўрнимдан тургунимча, у турсин, мен отимга мингунимча, у минсин. Мен душман билан жанг қилганимда, у мендан олдин бостириб кирсин, – деди.

Отаси: «Ўғлим, сен уйланадиган турмуш ўртоғи эмас, жасур бир дўст хоҳлаяпсан», деди.

Қонли Хўжа шундай гапларни айтгандан кейин Ўғуз бекларини ёнига олиб, бутун Ўғуз юртини кезди. Аммо ўғли учун муносиб бир қиз топа олмади. Трабзонга келди.

Трабзон бегининг жуда гўзал бир қизи бор эди. Қиз моҳир камонбоз эди. Отган ўқи нишонга тегарди.

Қизнинг қўриқловчи уч ҳайвони бор эди.

Отаси: «Кимки шу ҳайвонларни ўлдирса, ўша мардга қизимни бераман», деб ваъда берган эди.

Бу ҳайвонларни енгмаганларнинг бошини танасидан жудо қилдиарди. Ҳайвонларни енга олмаган ўттиз йигитнинг боши танасидан жудо этилиб,

қалъа пештоқига осилган эди. Бу ҳайвонларнинг бири буқа, яна бири туя, учинчиси эса шер эди.

Қонли Хўжа бу ҳайвонларни ва кесилган бошларни кўрди.

«Бориб ўғлимга хабар берай. Билагида кучи бўлса, келсин, бу қизга уйлансин. Йўқса, Ўғуз элидаги қизларга рози бўлсин», деб ўйлади.

Юртига қайтди. Кан Туралига кўрганларини айтиб берди. Кан Турали қирқта йигити билан йўлга чикди. Етти кеча етти кундуз йўл юришди. Ниҳоят, Трабзон юртига етиб келишди.

Трабзон беги Кан Турали ва унинг йигитларини қарши олди. Уларни бир майдонга жойлаштирди.

Бу майдонда бекнинг қизи Селжен Хотин бир кўшк қурдирганди. Юқоридан томоша қилар эди. Кан Туралининг гўзаллигини кўриб оёқ-қўли титрай бошлади.

«Аллоҳ отамнинг дилига меҳр-шафқат берсин, бу йигитнинг жонини омонат қилсин. Йўқса, ҳайвонларнинг қўлида нобуд бўлади», деб хаёлидан ўтказди.

Шу вақт буқани келтиришди. Буқа тезда Кан Туралининг устига ҳужум қилди. Кан Турали аввал муштини буқанинг пешонасига тиради, кейин ҳайвоннинг олдидан ён томонга ўтиб олди. Буқанинг шохлари ерга санчилиб қолди. Кан Турали тезда буқанинг думига ёпишди. Думидан ушлаб уч марта ерга урди. Буқанинг суяклари синди.

Кан Турали буқани сннганидан кейин, майдонга шерни чиқариб юборишди. Кан Турали қўлига эчки жунидан тўқилган наматни ўради. Шер панжасига узатди. Аллоҳга дуо қилди. Шернинг пешонасига шундай мушт туширдик, ҳайвоннинг жағи синиб кетди. Шундан кейин елкасидан ушлади. Кўтариб ерга урди, шер ўлди.

Энди навбат туяга келди. Кан Турали мўннг бир машаққат билан туяни ҳам енгди. Трабзон беги:

«Бу йигитни ёқтириб қолдим, қизимни унга бераман», деди...

Қирқ ерда қирқта чодир қурилди. Ўртасида бир келин хонаси тайёрланди. Кан Турали билан қизни келин хонасига олиб келишди. Кан Турали қиличини чиқариб ерга санчди.

«Онам билан отамнинг қўлини ўпмасдан келин хонасига кирсам, тупроқ каби сочилиб кетай», дея қасам ичди.

Иттифоқо, хотини Селжен Хотин билан Ўғуз юртига йўл олди. Ўғуз чегарасининг гўзал бир ерига келдилар. Селжен Хотин бу ерни жуда ёқтириб қолди. Шу ерда дам олишга қарор бердилар. Кан Турали ётиб ухлади.

У ухлар экан Селжен Хотин шундай ўйлай бошлади:

«Менга уйланишни хоҳлаганлар кўп эди, орқамиздан тушиб эримни ўлдирмоқчи бўлишлари мумкин». У дарҳол ўрнидан турди. Кан Туралининг

отиға минди, найзасини кўлиға олди: баланд бир ерга чиқди.

Дарҳақиқат, Трабзон беги қизини Кан Туралиға берганиға пушаймон эди. Кан Туралини ўлдириб орқаға қайтаришлари учун олти юз аскарини йигит ва қизнинг орқасидан юборган эди.

Селжен Хотин уларнинг келаётганини кўриб Кан Туралини уйғотди. Биргаликда душманға қарши урушди. Ҳаммасини ер билан яксон қилишди.

Кан Туралининг онаси билан отаси уларни кутиб олиш учун келдилар. Ўғли билан келинини соғ-омон кўрганлари учун Аллоҳға шукроналар айтишди, чиройли тўй қилишди.

Барча Ўғуз бекларига иззат-икром кўрсатдилар, зиёфат бердилар. Дада Кўркут келди. Кўбиз чалди. Достон айтди:

*– Қани ҳозир мард ўғлонлар,  
Дунё маним деганлар.  
Фоний дунё кимга қолди?  
Бирдан келиб-кетар дунё!..*

## САЛУР ҚОЗОН

Кунлардан бир кун Ўғуз элининг кучли бегни Салур Қозон зиёфат берди. Барча Ўғуз бекларини тўплади. Кейин уларга: «Овга бориб кўнглимни ёзиб келаман», деган таклифини айтди.

У йўқлигида хотини Бурла Хотунни, кекса онасини, ўғли Урузни олиб кетдилар.

Салур Қозоннинг бўлаётган воқеалардан хабари йўқ эди. Кечкурун ёмон туш кўрди. Кўрқиб сакраб турди. Отига миниб юртига қайтди.

Уйининг вайрон бўлганини, юрти эса ёниб кул бўлганини кўрди. Кўзлари қонли ёшга тўлди. Қозон йўлда тасодифан кўриб қолган бўридан нима бўлганини сўрамоқчи бўлди. Аммо бўри нимани ҳам айтсин? Воз кечди, чўпоннинг итига дуч келди. Итдан сўрамоқчи бўлди. Ит қандай хабар берсин? Чўпонга юзланди:

– Эй чўпон! Чодирим, ерим, юртим вайрон бўлди. Нима бўлганини кўрмадингми? – деб сўради.

Чўпон жавоб берди:

– Эй Қозон! Ўлганмидинг, соғмидинг? Қасрларда юрибсан? Ўтган куни оиланг бу ердан кўчиб кетди. Кекса онанг билан хотининг Бурла Хотун йиғлай-йиғлай бу ердан кетишди. Қирқ йигит билан ўғлинг Уруз душманнинг қўлида асир. Бу ердан кетишди.

Чўпон шундай деганда Қозон «оҳ!» урди. Нима қилишини билмай қолди. Кейин чўпон билан бирга йўлга чиқди.

Бошқа жойда Шукли Малик одамлари билан май ичиб кўнгилхушлик қиларди. Одамларига юзланди:

– Беклар, Салур Қозонга қандай азоб беришимни биласизларми? Бурла Хотунни ўзимга чўри қилиб оламан, – деди. Бу гапларни Бурла Хотун эшитди. Юраги тилка-пора бўлди ва қирқ гўзал қизнинг олдига келди. Уларга шундай деди:

– Қозоннинг хотини ким, деб сўрасалар, ҳаммамиз «Мен!» деб жавоб берамиз.

Шуклу Малик аёлларнинг олдига келди. «Қайси биригиз Салур Қозоннинг хотини», деб сўради. Қирқ томондан биргаликда «Мен!» деган овоз келди. Шуклу Малик Қозоннинг хотини уларнинг қайси бири эканини билмади. Бундан жаҳли чиққан Шуклу фармон берди:

– Салур Қозоннинг ўғли Урузни ўлдирилинг. Гўштини пишириб қирқ хотинга едирилинг. Қайси бири емаса, у Қозоннинг хотинидир, – деди.

Бу гапларни эшитган Бурла Хотун ўғли Урузнинг олдига келиб бўлган воқеани айтиб берди.

Уруз онасига: «Унутинг мени, ўлдиришсин. Этимни бурда-бурда қилиб олдингизга олиб келсин. Қирқ хотинга берсинлар. Улар бир лукма ейишса, сиз икки лукма енг. Ўзимизга яраша орномусимиз бор, доғ туширмайлик», деди.

Душманлар Урузни олиб келдилар. Шу пайтда бу ерга Салур Қозон билан Қоража чўпон тўрт кун деганда етиб келишди. Чўпон палахмон билан тош отди. Душманнинг кўзига дунё қоронғуликка айланди.

Улар шундай жанг қилишдики, барча Ўғуз беклари ҳам етиб келдилар. Ўнг томондан Ўғуз беклари тиш-тирноқлари билан жанг қилишди. Шунда Шуклу Маликни ноқулай аҳволга солишди.

Салур Қозон ватанини, оиласини, хазинасини қайтариб олди. Зиёфат ҳозирлади, фақирлар севишнишди.

Дада Кўркут келди. Достон айтди. Бу ҳикояни тушунтирди. Шундай деди:

– Қани дунё меники деганлар?

Ўлим келди, барчасини тупроққа берди.

Бу дунё кимга қолди?

Келимли кетимли дунё!..

Хоним, дуо қилайин. Қорли тоғларинг йиқилмасин. Тошқин оққан гўзал сувларинг қуримасин. Ҳеч ким ноумид бўлмасин. Гуноҳимизни кечирсин. Омин!

## БОНУ ЧЕЧАК

Бойиндирхон барча Ўғуз бекларини чакиртирди. Пай Пури бек Бойиндирхоннинг йиғинига келди. Бойиндирхоннинг мухолифатида Ўғуз бекларининг ўғиллари турарди. Барчаси хон хизматида эди.

Буни кўрган Пай Пури бек «ох» урди. Мендилининг кўлидан ушлаб йиғлади. Салур Қозон: «Пай Пури нега йиғлаяпсан», деб сўради.

– Нега йиғламай? Ўғлим йўқ. Ўлганимдан кейин ортимдан қоладиган биродарим йўқ, – деди.

У шундай дейиши билан барча Ўғуз беклари Пай Пури томонга қарашди. Кўл очиб дуо қилишди: «Аллоҳ сенга меросхўр берсин», дедилар.

Пай Пичек бек ҳам шундай деди: «Беклар мен учун ҳам дуо қилинг. Аллоҳ менга ҳам қиз берсин, агар қизим бўлганида Пай Пури бекнинг ўғлига никоҳлаб берардим».

Орадан бир қанча вақтлар ўтди. Аллоҳ Пай Пури бекка бир ўғил, Пай Пичек бекка эса қиз берди.

Пай Пурининг ўғли улғайди. Гўзал бир йигит бўлди. Унинг исми Бамси Байрак эди.

Кунлардан бир куни Ўғуз элига бир сурув кийик келди. Бамси Байрак бир кийикнинг ортидан қувиб кетди. Қувлаб-қувлаб бир ерга келиб қолди. Не кўз билан қарасаки, ям-яшил яйловда қизил чодир ясалган экан.



«Ажабо, бу кимнинг чодири?» деди. Бону Чечак Пай Пичек бекнинг кизи эканлигини билмасди. Бону Чечак чодирдан чиқиб қаради.

– Йигит, сен қаердан келаянсан? – деб сўради.

– Уч Ўғуздан келаянман. Пай Пури бекнинг ўғли Бамси Байрак деганлари мен бўламан.

– Яхши, бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Пай Пичек бекнинг бир қизи бор экан. Уни кўргани келдим.

Бону Чечак бу сўзларни эшитиб шундай деди:

– Мен Бону Чечакнинг энагасиман. Кел, сен билан биргаликда овга чиқамиз. Агар сенинг отинг менинг отимдан ўзиб кетса, демак, унинг отидан ҳам ўзиб кетади. Сен билан камон отишамиз. Агар мени енгсанг, уни ҳам енгасан.

Байрак бу таклифни қабул қилди. Иккиси ҳам отга миндилар. Майдонга чиқиб от чоғтирдилар. Байракнинг оти қизнинг отидан ўзиб кетди. Ўқ отишдилар. Байрак қизнинг ўкини ортда қолдирди.

Шундан кейин Бону Чечак шундай деди:

– Йигит! Пай Пичек бекнинг кизи Бону Чечак мен бўламан.

Бамси Байрак кулди. Бармоғидаги узукни ечиб, қизнинг бармоғига тақди.

– Бу севгимизнинг нишонаси бўлсин, – деди.

Бону Чечак севинч билан: «Мана, унаштирилдик, тайёргарлигимизни бугундан бошлайлик», деди.

Байрак уйига кетди. Оқ соқолли отаси қарши олди.

– Ўғлим бугун нималарни кўрдинг?, – дея сўради.

– Нимани кўришим керак, ота. Ўғли борлар ўғлини уйлантиришди. Қизи борлар қизларини узатишди, – деди

Отаси: «Ўғлим сени тушундим, уйлантиришимни хоҳлайсанми? Сен уйланадиган қиз Пай Пичек бекнинг қизи Бону Чечакдир. Аммо бу қизнинг акаси бор. Уни телба Карчар дейишади. Синглисига уйланмоқчи бўлганларни ўлдирарди».

Пай Пури Ўғуз бекларини уйига таклиф қилди.

Уларга бўлган воқеани айтиб берди. Улар ҳам қизни сўраб, Дада Кўркут совчи бўлиб борсин, дейишди.

Дада Кўркут йўлга чиқди. Телба Карчар ўртоқлари билан ўқ отишни машқ қиларди. Дада Кўркутни кўриб асабийлашди.

– Эй йўлидан адашган! Ўлимингни излаб келдингми? Бу ерга нега келдинг? – дея сўради.

Дада Кўркут: «Аллоҳнинг амри билан синглинг Бону Чечакни Бамси Байракка сўраб келдим», деди.

Телба Карчарни бундан жуда қаттиқ жаҳли чикди. Қуроли билан Дада Кўркутни урмоқчи бўлди.

Дада Кўркут Аллоҳга дуо қилди:

– Қилич кўтарган кўлинг чирисин!, – деди. Шундай дейиши билан Телба Карчарнинг кўли ҳавода қолди. Телба Карчар ёлвора бошлади:

– Кечиринг бобожоним! Сиз кўлимни енгиллаштиринг. Мен ҳам синглимни бераман, – деди.

Шу гапдан кейин Дада Кўркут дуо ўкиди. Аллоҳнинг изни билан Телбанинг кўли соғайди.

Тўйга тайёрлана бошлашди. Тўй чодирини куйди. Дада Кўркут келди. Достон куйлади ва дуо қилди:

– Ерли қора тоғларинг йиқилмасин. Соғли дарахтинг кесилмасин. Оқ соқолли отангнинг жойи жаннат бўлсин. Оқ сочли онагнинг жойи жаннат бўлсин...

## БАМСИ БАЙРАК

Кунлардан бир кун Бойиндирхон чодир курдирди. Барча Ўғуз бекларини тўплади.

Бамси Байрак билан Бону Чечак учун тўй чодирини ҳозирлашди. Бамси Байрак дўстлари билан майишат қилишарди.

Буни кўрган душман жосуси Бойбурт қалъасининг бегига бориб хабар берди.

Кечкурун ҳамма ухлаганда душман чодирга хужум қилди. Байракни дўстлари билан бирга асирга олдилар. Тонг отди. Ўғуз халқи Байрак асирга тушганини англашди.

Бу хабар Байракнинг хотини Бону Чечакка ҳам етиб борди. Бону Чечак қора кийди. Йиғлаб фарёд чекди.

Бу орада 16 йил ўтди.

Байракнинг ўлик-тириклигидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди.

Кунлардан бир кун Бону Чечакнинг акаси Телба Карчар Бойиндирхоннинг ҳузурига келди.

– Хоним, Байрак соғ-омон бўлса, шу вақтгача келарди. Унинг тириклигини айтганларга ҳадялар бераман. Ўлганини билдирганларни эса синглимга уйлантираман, – деди.

Байрак бир вақтларда унга кўйлак берган эди. Кўйлакни қонга ботириб, Бойиндирхонга кўрсатди.

– Байракни ўлдиришибди. Мана унинг кўйлаги, – деди.

Бону Чечак Байракнинг кўйлагини таниди. Барча Ўғуз беклари Байракдан умидларини уздилар.

Ёлғончи ўғли Ялтажук тўй тайёргарликларини бошлаб юборди. Байракнинг отаси Пай Пури бек одамларини чақирди.

– Бориб дунё кезинг. Байракнинг ўлимидан ёки тириклигидан хабар олиб келинг, – деди.

Одамлар йўлга чиқдилар. Бир кундан кейин Бойбурт қалъасига етиб келишди.

Ўша кун душманнинг байрами эди.

Байракни зиндондан чиқаришиб, кўбиз чалдиришарди. Байрак отасининг одамларини кўрди. Одамлар Бону Чечакни Ялтажук билан турмуш курганини айтдилар.

Буни эшитган Байрак йиғлаб дўстларининг олдига келди. Эшитганларини уларга айтди, ўртоқлари ҳам хафа бўлиб йиғладилар.

Кофир бегининг ёлғиз кизи бор эди. Бу қиз Байракка ошиқ эди. Ҳар куни уни кўриш учун келар эди. Ўша куни ҳам келди. Байракнинг жуда хафалигини кўрди. Нега йиғлаганини сўради.

Байрак: «Нега йиғламай. Ўн олти йилдирки, ота-онамни соғиндим. Қора кўзли гўзал хотиним бор эди. Ҳозир у бошқа бировга турмушга чиқибди», деди.

Қиз Байракнинг аҳволидан жуда хафа бўлди.

– Сени қалъадан қочирсам, кейин келиб мени хотинликка оласанми? – деди. Байрак сўз берди.

Қиз аркон олиб келди. Байрақни қалъадан қочириб юборди. Байрақ Аллоҳга шукр қилиб йўлга чиқди.

Ўғуз юртига етиб борди. Бир бахшини кўрди. Ундан кўбизини олди. Ўзининг отини унга берди.

Ўзи уйига кетди. Сингилларини кўрди. Ҳаммаси ҳам акасининг хотини бошқа бировга турмушга чиққани учун йиғлашарди. Байрақ уларнинг ёнларига яқинлашди. «Акангизнинг боши учун менга унинг эски бир кўйлагини беринг», деди.

Қизлар Байрақнинг кўйлагини олиб келиб башига бердилар. Тўннинг бўйи бўйига, бели белига мос келди. Катта акаси уни Байраққа ўхшатди. Яна йиғлай бошладилар. Байрақ ўйланди. «Қизлар мени танидилар. Ўғуз беклари ҳам танишди. Кўрай-чи, Ўғуз элида ким менинг дўстим, ким душманим экан».

Устидаги кўйлақни счди. Бошига бир қоп кийгизишди. Телба қопни ёшиб тўй майдонига келди. Ялтажукнинг ўқ отганини кўрди.

У ўқ отганда Байрақ: «Кўлинг синсин, бармоқларинг чирисин», деди. Ялтажук ғазабланди.

– Менга гапиришга қандай ҳаддинг сиғди. Кел, ёнимга чиқ, йўқса сени ураман, – деди.

Байрақ ёйни олди. Ялтажукнинг узугини нишонга олди. Узуги парчаланиб кетди.

Ўғуз беклари узоқдан уларни кузатишарди. Бойиндирхон Байрақни ёнига чақирди. Байрақ хонга ўзини таптитди.

Барча Ўғуз беклари бундан жуда севинишди. Бону Чечак билан Пай Пури бекка хабар юборишди. Онаси билан отаси Байракнинг қайтиш хабаридан жуда севинишди.

Ёлғончи Ялтажук Байракнинг оёқларига тиз чўкди. Афв сўради. Байрак уни кечирди.

Байрак: «Бойбурт қалъасини олмасдан, дўстларимни қутқармасдан уйланмайман», деди.

Барча Ўғуз беклари отларига миндилар. Бойбурт қалъасини босиб олдилар. Байрак қалъа бегининг қизини олиб орқага қайтди. Қирқ кеча-ю, қирқ кундуз тўй қилди. Дада Кўрқут келди. Дуо қилди: «Ҳеч кимни ўғли билан қардопидан айирмасин. Омин!».

# ДАДА ҚЎРҚУТ ҲИКОЯЛАРИ

|                  |                         |
|------------------|-------------------------|
| Таржимон:        | <b>Очилова Зилола</b>   |
| Мухаррир:        | <b>Адиба Ҳамро қизи</b> |
| Техник муҳаррир: | <b>Иноят Зохидова</b>   |
| Мусахҳиҳа:       | <b>Азиза Жиянова</b>    |

«Yurist-media markazi» нашриёти, Тошкент ш.,  
Навоний кўчаси, 30-уй.

Босишга 18.01.2010 й.да руҳсат этилди. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Ҳажми 2,5 б.т. Буюртма рақами 02/10.

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш, Широқ кўчаси, 100-уй.